

**Бюджет ташкилотлар (корхоналар, муассалар ва юридик шахслар) учун қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб бўйича хизмат кўрсатиш**

Договор № 39

Бухоро шаҳар  
(место заключения договора)05 января 2022  
(дата заключения договора)

ООО "MAXSUSAVTOXO'JALIK" (именуемое в дальнейшем - Исполнитель) в лице директора **NAZAROV ALISHER SHARIPOVICH**, с одной стороны, и O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SUV XO'JALIGI VAZIRLIGI AMU-BUXORO IRRIGATSIYA TIZIMLARI HAVZA BOSHQARMASI (именуемое в дальнейшем - Заказчик) в лице директора **FAYZILLAYEV ERKIN BAXSHILLOYEVICH**, с другой стороны, вместе именуемые Стороны, а по отдельности - Сторона, заключили настоящий договор о следующем:

**1. Шартнома мазмуни**

По настоящему договору Заказчик оплачивает и принимает, а Исполнитель поставяет товар(услуг) на следующих условиях:

№	Наименование товаров (услуг)	Идентификационный код и название по Единому электронному национальному каталогу товаров (услуг)	Штрих-код товара/услуги	Единицы измерения	Кол-во	Цена	Стоимость поставки	НДС		Стоимость поставки с учётом НДС
								ставка	сумма	
1	Чиқинди хизмати	099040020020000000 - Қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб кетиш хизмати		куб. метр	14,85	52 683,00	782 342,55	15,0000	117 351,38	899 693,93

Общая сумма договора составляет Восемьсот девяносто девять тысяч шестьсот девяносто три сума 93 тийин (сумма прописью).

1.1 "Буюртмачи" топширади, "Бажарувчи" эса Бухоро шаҳар Б.Нақшбанд кўчаси 297/1-уй манзилдан чиқинди сақлаш қўтиларидаги қаттиқ маиший чиқинди (ҚМЧ) ларни ташиб чиқиб кетиш ишларини бажаришни ўз зиммасига олади, "Буюртмачи" эса хизмат тўловларини таҳлаб бориши шарт.

**2. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби**

2.1 Ушбу шартномани имзолаш пайтида амалдаги нарх ҳар бир м.куб ҚМЧ учун 60 585,45 сўм (ҚҚС 15% билан). 2.2 Шартнома бўйича 2022 йил 1 йиллик кўзда тутилган тўлов суммаси 899 693,93 (Сақкиз юз тўқсон тўққиз минг олти юз тўқсон уч сўм 93 тийин)ни ташкил этади. 2.3 Агар кўрсатилган хизматлар шартнома суммасидан ошган тақдирда, тўловлар ҳисоб-фактуралар асосида амалга оширилади. 2.4 Ҳар ойнинг 25 санасигача кейинги ойнинг режавий иш ҳажмига (бюджет ташкилотларида шартномага илова қилинган тўлов жадвалига) қараб олдиндан 100% фоиз миқдорида тўловларни амалга ошириш. 2.5 Ҳар ойнинг 25 санасигача ўтган ҳисобот ой учун кўрсатилган хизмат тўловларини "Бажарувчи"нинг ҳисоб рақамига ҳисоб-фактура асосида тўлиқ тўлаб бериш.

**3. "Буюртмачи" мажбуриятлари**

3.1 Қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғилиш ҳажми ва олиб чиқиб кетиш муддатига биноан керакли миқдорда чиқиндилар йиғиш қўтиларини алоҳида шартномалар ва тўловлар асосида сотиб олиш. 3.2 ҚМЧ ташланадиган қўтиларни қурилиш ва йирик ҳажмдаги чиқиндилар, шох-шаббалар билан тўлдирмаслик, аксинча, уларни махсус жойга йиғиш ҳамда бу чиқиндиларни ташиб кетиш учун алоҳида бир маротабалик шартнома тузиш. 3.3 Чиқинди сақлаш қўтилари жойлашган майдончалар ва чиқинди тўплаш қўтиларига автоматшаларнинг эркин яқинлашишини ва чиқинди қўтиларини доимо соз ҳолда сақлашни таъминлаш. 3.4 ҚМЧни ташиб чиқиб кетилиши учун 65-228-10-28 га ўз вақтида буюртма бериш ёки график асосида олинишини доимий назорат қилиш, ушбу тартиб бузилган ҳолларда 65-228-90-32 телефони орқали "Бажарувчи"га маълумот бериш. 3.5 Бажарилган ишнинг ҳажмини "Бажарувчи"нинг ҳужжатларида "Буюртмачи" вакилининг имзоси ва корхона мўҳри билан ҳамда м.кубда тасдиқлаб бориш. 3.6 Ҳар ойнинг бошида ўтган ойда бажарилган иш ҳажмини бажарилганини кўрсатувчи ҳисоб далолатномаси расмийлаштиради.

**4. "Бажарувчи"нинг мажбуриятлари**

4.1 Алоҳида шартнома ва тўловлар асосида "Бажарувчи" "Буюртмачи"га чиқинди йиғиш қўтиларни керак бўлган миқдорида сотиш. 4.2 "Буюртмачи" ҳудудидан ҚМЧ ташланадиган махсус қўтилардан махсус машиналарда жадвал асосида чиқиндиларни олиб чиқиб кетилишини таъминлаш. 4.3 "Буюртмачи"нинг буюртмасига асосан қўшимча тўлов ҳисобига қурилиш ва йирик ҳажмдаги чиқиндиларни, шох-шаббаларни олиб чиқиб кетиш учун транспорт ажратиш. 4.4 "Буюртмачи" томонидан ҚМЧ ни ўз вақтида олиб чиқиб кетилмагани тўғрисида маълумот келиб тушгандан сўнг 1 кун муддат ичида "Буюртмачи" ҳудудидан чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш. 4.5 Бириктирилган йўналишда санитар тозалик назоратини олиб бориш.

**5. Тарафларнинг жавобгарликлари**

5.1 "Бажарувчи" томонидан ҚМЧ келишилган вақтда олинмаган тақдирда "Буюртмачи" 65-228-90-32 телефон орқали "Бажарувчи" нинг вакилини далолатнома тузиш учун қақиртириш. Агар "Бажарувчи" ушбу хабарномадан сўнг ўз вакилини далолатнома тузиш учун юбормаса, ёки 1 кун ичида ҚМЧ олиб чиқиб кетилмаса, "Буюртмачи" жамоатчилик иштирокида далолатнома тузади ва ушбу далолатнома айбдорга нисбатан шартномада кўрсатилган жазо турларини қўллаш учун асос ҳисобланади. 5.2 "Бажарувчи" ўз вақтида ҚМЧ олиб чиқиб кетмаганлиги учун икки томон вакиллари томонидан имзоланган далолатнома асосида ҳар бир кун учун олиб чиқиб кетмаган ҚМЧ ҳажми қўйиматидан 0,5% миқдорида, лекин умумий сумма бажарилмаган иш суммасининг 50%дан ошмаган миқдорда "Буюртмачи"га пеня тўлайди. 5.3 "Буюртмачи" шартномада кўрсатилган муддатдан кечиктирилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,5% миқдорда, лекин кечиктирилган тўловнинг 50%дан ошмаган миқдорда "Бажарувчи" га пеня тўлайди. 5.3 Жарима ва пеня тўлаш тарафларни шартнома шартларини бажаришдан озод этмайди.

**6. Низоларни ҳал қилиш тартиби.**

6.1 Шартномани бажариш пайтида юзага келган муаммолар тарафларнинг ўзаро музокаралари орқали ҳал қилиниши мумкин бўлмаган ҳолларда иқтисодий суди томонидан ҳал қилинади. 6.2 Тарафларнинг манзили, корхона номи, ҳисоб рақами ўзгарган тақдирда ҳамда ҚМЧ ҳажми ўзгаришига таъсир этувчи омиллар пайдо бўлганда бир томон иккинчи томонга 10 кун ичида ёзма маълумот беради. 6.3 Шартноманинг 1.2. бандида кўрсатилган ҚМЧнинг ҳажми "Буюртмачи" нинг айби билан тақдим этилмаса, ёки "Буюртмачи" "Бажарувчи" нинг юк ташиш ҳужжатларини расмийлаштирадиришдан бош тортса, "Бажарувчи" жамоатчилик вакили иштирокида далолатнома тузади. Ушбу далолатнома иш тўлиқ миқдорда бажарилди деб ҳисобланишига ва тўлиқ миқдорда тўлов амалга оширилишига асос бўлади.

**7. ФОРС-МАЖОР**

7.1 Форс-мажор ҳолати содир бўлганда тарафлар шартномада кўрсатилган мажбуриятлардан озод этиладилар (корхонанинг тугатилиши, раҳбар ёки жавобгар шахс ўзгариши, молиявий қийинчиликлар кабилар форс-мажор ҳолатига кирмайди).

**8. Қўшимча шартлар**

8.1 "Бажарувчи" хом-ашё, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ва энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ўзгариши муносабати билан белгиланган тартибда бир томонлама хизмат нархларини ўзгартиришга ҳақлидир ва "Буюртмачи"ни бу тўғрида ёзма равишда огоҳлантиради.

**9. Шартноманинг муддати**


9.1 Бюджет ташкилотлари билан тузилган шартномалар икки томонлама имзо ва муҳрланган кундан бошлаб кучга кирилади ва амал қилиш муддати 31.12.2022 гача. 9.2 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 121 ва 122-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг тўловлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджет и маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ҳазначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган. 9.3 Шартномани муддатидан олдин тўхтатмоқчи бўлган томон иккинчи томонни бу ҳақида бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантиради, акс ҳолда шартнома шартлари ўз кўчини йўқотмаган ҳисобланади. 9.4 Тарафлар шартнома муддати тугагандан сўнг ёзма равишда бошқа муносабат билдирмасалар шартнома бекор

қилингуна қадар кучини йўқотмаган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар билан тузилган шартномалар бундан мустасно. 9.5 Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга булган икки нусхада тузилиб, бир нусхаси "Буюртмачи"да, иккинчи нусхаси "Бажарувчи" ташкилот ҳисобланган "Махсусавт охужалик" ИЧБда сақланади.

## 10. ЮРИДИЧЕСКИЕ АДРЕСА И РЕКВИЗИТЫ СТОРОН

### Исполнитель

Наименование: ООО "MAXSUSAVTOXO`JALIK"  
Адрес: Бухоро шаҳар, Абай кўчаси, 64  
Тел.: 65 228-10-28, 91 411-93-39 (дисп), 90 711 22 27 (бух-я)  
Факс:  
ИНН: 201189067  
ОКЭД: 38110  
Р/С: 20210000800405193001  
Банк: БУХОРО Ш., "ИПОТЕКА-БАНК" АТИБ "САРДОР" ФИЛИАЛИ  
МФО: 00119



### Заказчик

Наименование: O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI SUV XO`JALIGI VAZIRLIGI  
AMU-BUXORO IRRIGATSIYA TIZIMLARI HAVZA BOSHQARMASI  
Адрес: Бухоро шаҳар Б.Нақшбанд кўчаси 297/1-уй  
Тел.: 65 225-00-23, 65 225-67-25  
Факс:  
ИНН: 204658762  
ОКЭД: 01613  
Р/С: 400121860064017042402170002  
Банк: ТОШКЕНТ Ш., МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ТОШКЕНТ ШАХАР ХИСОБ-КИТОБ КАСС  
МФО: 00014

